2020 йил – илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили

Президент Шавкат Мирзиёевнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми иштирокчиларига табриги *4-саҳифа ▶*



Мутахассис тавсиялари
Август – ғўза парваришида муҳим ой *9-саҳифа ▶*

Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi 2020-yil 13-avgust, payshanba **36-37** (9073-9074)-sonlar e-mail: **info@qishloqhayoti.uz**

Наманган вилояти

Корхонада янги лойиҳа амалга ошса,

120 иш ўрни яратилади





Наманган вилояти Уйчи туманидаги "Само тикув сервис" масъулияти чекланган жамиятида бежирим дизайн ва сўнгги урфдаги эркаклар устки кийимлари - пальто, пиджак, костюм-шимлар тикилади.

Дастлаб тўрт нафар тикувчи билан фаолият бошлаган корхонада ҳозирда 100 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 80 фоизи хотин-қизлардир.

Ички бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаган корхона маҳсулотлари МДҲ давлатларига экспорт қилинмоқда. Жорий йил Қозоғистон ва Қирғизистонга экспорт қилинган маҳсулот миқдори 280 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Корхонада ишлаб чиқариш қамровини кенгайтириш мақсадида қиймати 5 миллиард сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Бунда йиллик қуввати 12,2 миллиард сўмлик 150 минг дона тайёр кийим ишлаб чиқариш назарда тутилган. Лойиҳа амалга ошгач, 120 иш ўрни яратилади. Пировардида, 1 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи 120 минг дона маҳсулот экспортга йўналтирилади.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Тошкент вилояти

Бугунги кунда Нурафшон шаҳри марказини Ўрта Чирчиқ тумани билан боғловчи Бобур кўчаси тубдан янгиланяпти. Қурилиш ишларига Ўрта Чирчиқ тумани Ҳудудий йўллардан фойдаланиш корхонасининг 50 дан ортиқ техника ва 200 нафарга яқин ишчи-хизматчилар жалб этилган.

БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ АВЖИДА

Нурафшон шаҳридан ўтувчи марказий кўчада 172 та бино ва иншоот қад кўтариши режалаштирилган бўлиб, айни кунларда уларнинг 36 тасида бунёдкорлик ишлари давом этяпти.

Канализация тизими, аҳолини тоза ичимлик суви, газ, электр энергияси билан таъминлаш тизими буткул янгича шаклда ташкил этилмоқда.

Бугунги кунга қадар канализация ва сув қувурларини ўрнатиш борасида 141 миллиард сўм миқдорида маблағ сарфланди. Бу ерда қурилаётган сув иншооти бир кунда 4000 куб метр сувни тозалаш қувватига эга.

Ҳудуднинг ички йўллари соз ҳолатга келтирилиб, айнан Тошкент йўли кўчаси бўйлаб 13 та банк идоралари бинолари қурилди.

Ўтган икки йил вақт оралиғида шаҳар ҳудудида 96 та янги уй-жойларнинг қурилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳозирга қадар 7 қаватли 14 та уйлар ўз эгаларига топширилди.

Шунингдек, ҳудуддаги кўчаларни ёритиш мақсадида ташқи ёритиш чироқлари ўрнатилиб, кўчалар обод ҳолатга келтирилиб, аввалари ёғингарчилик кунларида аҳолининг юришига бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқарган ички кўчаларга асфальт қопламалари ётқизилмоқда. Канализация ва тоза ичимлик суви тармоқлари ташкил этилиб, бу ерда савдо шохобчалари ва хизмат кўрсатиш манзиллари, спорт майдончалари, боғчалар қурилмоқда.

Тошкент вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ҲАМДА ХАЛҚАРО ТАРАҚҚИЁТ УЮШМАСИ ИШТИРОКИДА "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ" ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, соҳага замонавий бозор механизмларини жорий этиш, ушбу йўналишда бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг кластер модели жорий этилди, натижада охирги йилларда пахта экин майдонларининг **125** минг гектари ёки **12** фоизида кооперациялар, **908** минг гектари ёки **88** фоизида кластерлар фаолият юритмоқда.

Қишлоқ хўжалигида қулай агробизнес муҳитини ва юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, уларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, соҳага жаҳон тажрибаси асосида қишлоқ хўжалигида билим, инновациялар ва агрохизматлар тизимини кенг жорий этиш, шунингдек, соҳада хизмат турларини такомиллаштириш, кооперация муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва Жаҳон банки билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) 2020 йил 20 мартда Жаҳон банкининг Директорлар кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасига "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳасини (кейинги ўринларда – Лойиҳа) молиялаштириш учун **30 йил муддатга**:

10 йиллик имтиёзли давр билан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан **181 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз ажратилиши**;

10 йиллик имтиёзли давр билан Халқаро тараққиёт уюшмасининг **100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредити ажратилиши**;

5 йиллик имтиёзли давр билан Халқаро тараққиёт уюшмасининг **219 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредити ажратилиши** маъқулланганлиги;

б) Лойиҳанинг умумий қиймати 659,3 миллион АҚШ долларига тенг эканлиги, улардан Ўзбекистон Республикасининг улуши – 159,3 миллион АҚШ долларини, шу жумладан:

солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш, инвестиция даврида молиявий харажатларни тўлаш шаклидаги улуш – 124,3 миллион АҚШ долларини;

Лойиҳа иштирокчиларининг (бенефициарлар) улуши эса 35 миллион АҚШ доллари эквивалентини ташкил этиши;

в) Лойиҳани амалга ошириш даври 6 йилни (2020-2026 йиллар) ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. **Лойиҳа доирасида молиялаштиришнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин**:

қишлоқ хўжалигида **илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган самарали тизимини яратиш**;

қишлоқ хўжалигини **рақамлаштириш, статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш**нинг ишончли ва шаффоф усулларини жорий этиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда "**Даладан истеъмолгача**" тамойили асосида сифат назоратини кучайтириш, агрологистика, йўл ва бошқа зарур инфратузилмани яратиш;

экспортни рағбатлантириш, халқаро бозорларда рақобатбардош, экспортбоп юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида **қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш**;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини диверсификациялаш, соҳада давлат иштирокини камайтириш, **кооперация тизимини ривожлантириш ҳамда соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш**;

ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланиш;

соҳага бошқарувнинг замонавий тизимларини жорий этиш, хизмат кўрсатиш сервисини такомиллаштириш.

3. Қуйидагилар:

"Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳасининг техник-иқтисодий асоси ҳамда унинг асосий кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

"Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳаси бўйича Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси маблағларидан фойдаланиш схемаси 2-иловага мувофиқ;

"Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳасини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" 2а-иловага мувофиқ;

"Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳаси доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки қарзидан фойдаланиш ва уни қайтариш, комиссия ва фоиз тўловларини амалга ошириш жадвали 3-иловага мувофиқ;

"Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳаси доирасида Халқаро тараққиёт уюшмаси кредитидан фойдаланиш ва уни қайтариш, комиссия ва фоиз тўловларини амалга ошириш жадвали За-иловага мувофиқ;

"Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳаси доирасида Халқаро тараққиёт уюшмаси имтиёзли кредитидан фойдаланиш ва уни қайтариш, комиссия ва фоиз тўловларини амалга ошириш жадвали 3б-иловага мувофиқ;

"Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳаси доирасида 2021-2025 йилларда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт ҳажмларининг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида амалга оширилади;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Лойиҳанинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини ҳамда натижадорлигини таъминлайди;

Жаҳон банкидан олинган маблағлар Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда тижорат банкларига берилган ресурсларнинг қайтиши ҳисобидан қайтарилади;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги Лойиҳани ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш, уни бошқариш, Лойиҳани амалга ошириш даврида мониторинг ва ҳисоботни юритиш учун масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

кредит линиясини бошқариш, Жаҳон банкининг маблағлари ўз вақтида ўзлаштирилиши ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, шунингдек, сублойиҳаларни амалга ошириш бўйича мониторинг ва ҳисоботни юритиш функциялари Лойиҳада иштирок этувчи Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларига юклатилади.

5. **"Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳи** (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳи) таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳи (Барноев, Ходжаев)га қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Лойиҳанинг ўз вақтида, тўлиқ ва самарали ижросини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш;

Лойиҳа доирасида қилинадиган харажатларнинг мақбул ечимларини ва тижорат банклари томонидан молиялаштириладиган лойиҳаларни асослилиги, натижадорлиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги асосида танлаб олиш;

Лойиҳа доирасида ажратилиб, иқтисод қилинган маблағларни молиялаштиришнинг

устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Жаҳон банки билан келишилган ҳолда ўрнатилган тартибда қайта тақсимлаш;

зарур ҳолларда, қарор иловаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш. Бунда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бошқармаси Ишчи гуруҳининг ишчи органи ҳисобланади.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки, қонунчиликка мувофиқ халқаро молиявий институтларнинг қарзлари ва ҳукумат ташкилотларининг халқаро қарзлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида:

агарда ушбу лойиҳалар халқаро ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари томонидан 2020 йил 1 июлга қадар маъқулланган бўлса, юридик шахслар томонидан сотиб олинадиган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланмага қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинмайди;

ушбу қарз маблағлари ҳисобидан юридик шахслар томонидан божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар божхона божи тўлашдан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган юридик шахслар фойда солиғи тўлашдан 2021 йил 1 июлгача бўлган муддатга озод этилган;

ушбу имтиёзлар натижасида иқтисод қилинган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Лойиҳани амалга оширишдаги улуши деб ҳисобланади.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳа доирасида бериладиган қарзни молиялашнинг муддатлари ва шартлари (валюта хатарини ҳисобга олган ҳолда), сублойиҳаларни танлаш ва уларни баҳолаш мезонларини белгилаган ҳолда, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг қарзидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни (кейинги ўринларда – Низом) ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси номидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзоқов) ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ва Халқаро тараққиёт уюшмаси ўртасида "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳасини молиялаштириш тўғрисидаги қарз битими имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси номидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Лойиҳада иштирок этувчи Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари, бошқа вазирлик ва идоралар билан Жаҳон банки томонидан ажратиладиган маблағларни қайта кредитлаш битимларини имзолаш, шунингдек, зарур ҳолларда, ушбу битимларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин. Бунда, қайта кредитлаш битимларининг шартлари Низомга асосан белгилансин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги Лойиҳа асосида Инвестиция дастурларига белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

Лойиҳа доирасидаги тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш, натижадорлигини таъминлаш, жалб этилаётган маблағларни ўзлаштириш жараёнида ошкораликни таъминлаш ҳамда коррупциянинг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўрилишини;

Лойиҳа доирасида мева-сабзавотчилик кооперацияларига ер майдонларини белгиланган тартибда, шу жумладан, ҳудудларда барпо қилинадиган йирик агрологистика комплекслари учун белгиланган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари учун компенсация ундирмасдан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилишини;

ажратилган ер участкаларидаги ердан фойдаланувчилар компенсациялари (фермер хўжаликлари томонидан кўрилган зарарлар, кесилган дарахтлар, фуқароларни кўчириш ва фуқароларга кўрсатилган барча зарарлар) ва агрологистика комплексларини муҳандислик, йўл ҳамда транспорт инфратузилмаларига уланишини таъминлаш ва бошқа харажатлар маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланишини таъминласин.

11. Ташқи ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртманомалари бўйича Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи чет эллик мутахассисларга кириш визалари консуллик ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимларни ундирмаган ҳолда расмийлаштирилишини таъминласин.

12. Ички ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртманомалари бўйича Лойиҳа доирасида жалб этиладиган чет эллик мутахассисларга кўп марталик визаларни расмийлаштириш, бериш ва муддатини узайтиришни, шунингдек, вақтинчалик яшаш жойига рўйхатга олиш ва муддатини узайтиришни давлат божи ундирмасдан таъминласин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига Лойиҳа доирасидаги тадбирларни самарали амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, шунингдек, Жаҳон банки ҳамда миллий қонунчилик талабларига мувофиқ зарур ҳисоботлар ва ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланиши ҳамда тақдим этилишини таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

14. Ҳисоб палатаси Лойиҳа доирасидаги маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

15. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги:

Лойиҳа доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши жараёнида очиқлик, ошкоралик ҳамда шаффофликни таъминлаш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқсин ва жорий қилсин;

Лойиҳани амалга оширишда очиқлик, ошкоралик ҳамда шаффофликни таъминлаш устидан доимий назорат ўрнатсин.

16. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Ишчи гуруҳи (Барноев, Ходжаев):

бир ҳафта муддатда ўзининг биринчи мажлисини ўтказиб, Лойиҳа доирасидаги масъул ижрочиларнинг аниқ вазифаларини белгилаб берсин;

икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари таклифлари асосида ишлаб чиқилган Лойиҳа доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳудудлар кесимида "Йўл харита"ларини тасдиқласин;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев):

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), Молия вазирлиги (Эргашев), Марказий банк (Холхўжаев) билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳани амалга ошириш учун масъул бўлган вазирлик ва идора ходимлари учун хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда **икки ҳафталик семинар** ташкил қилсин;

Лойиҳани амалга ошириш доирасида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тадбиркорлик субъектларини жалб этиш чораларини кўрсин;

Молия вазирлиги (Эргашев) билан биргаликда молиялаштирилган сублойиҳалар тўғрисида, шунингдек, уларнинг сифатли амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб борсин;

в) Бош вазир ўринбосари С.Умурзоқов қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт ҳажмларини ошириш мақсадида Лойиҳа доирасида экспортёр корхоналарни жалб қилиш чораларини кўрсин;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан бир ой муддатда Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан ташаббускорлар иштирокида тақдимотлар ўтказилсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (Ходжаев) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания ва "Дунё" ахборот агентлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида, тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда қарорда белгиланган чора-тадбирларни аҳоли орасида кенг ёритиш чораларини кўрсин.

17. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И.Барноев зиммасига юклансин.

Ушбу қарор натижадорлиги тўғрисида 2020 йил 1 декабрда ва 2021 йилнинг ҳар чораги якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 11 август

"ЁШЛАР 2020: ГЛОБАЛ МИҚЁСДАГИ БИРДАМЛИК, БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ" МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли форум қатнашчилари!
Қадрли ёшлар!

Барчангизни – "Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари" мавзусида ўтказилаётган инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми қатнашчиларини қутлаш менга улкан мамнуният бағишлайди. Сиз, азизларни Халқаро ёшлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерришга мазкур форумни ўтказиш тўғрисидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлагани учун чуқур миннатдорлик билдираман.

Халқаро анжуман ишида иштирок этаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти, Миграция бўйича халқаро ташкилот, Парламентлараро иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислом ҳамкорлик ташкилоти вакиллари ва бошқа шерикларимизга ташаккур изҳор этаман.

Азиз дўстлар!

Маълумки, келажакка интилиб яшайдиган ёш авлод сайёрамизда фаровон ҳаёт ва юксак тараққиёт барқарор бўлиши учун янги ғоялар ва ижодий руҳдаги саъй-ҳаракатларни амалга оширадиган беқиёс кучдир.

БМТнинг Ёшлар стратегиясида таъкидланганидек, "ёшлар сиймосида энг қимматли ва ўта муҳим ресурслар мужассам топган бўлиб, унга ҳар қанча инвестиция киритса арзийди, чунки бу сармоялар бир неча баробар зиёда бўлиб қайтади". Мен ғоят муҳим ушбу фикрга тўлиқ қўшиламан.

Шу йилнинг бошидан буён COVID-19 пандемияси билан боғлиқ вазият глобал ҳаёт кун тартибидаги марказий масала бўлиб келмоқда. Янги коронавируснинг тарқалиши бутун дунёда жиддий иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга олиб келди. Аҳоли, биринчи галда ёшлар ана шу таҳдидларга жавобан давлатлар ҳамда халқаро ҳамжамият томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилишини талаб этадиган кўплаб муаммоларга тўқнаш келди.

Бундай шароитда ёшларнинг овозига қулоқ тутиш жуда муҳимдир. Уларнинг долзарб эҳтиёжларини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган миллий, минтақавий ва глобал стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда бевосита иштирок этишлари учун ёшларга имконият яратиб бериш зарур.

Бугунги мураккаб вазиятда ёш авлод вакиллари замонавий таҳдидларга, жумладан, пандемияга қарши ўзларининг истиқболли ташаббуслари ва ижтимоий лойиҳалари билан муносиб жавоб бераётгани эътиборга сазовордир. Бутун жаҳонда кўнгилли ёшлар ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашда, янги иқтисодий ва гуманитар дастурларни илгари суришда фаол иштирок этмоқда.

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Ҳозирги замонда интеллектуал ва маънавий етук, ташаббускор ёшлар барқарор тараққиётнинг драйверига айланмоқда. Бугунги кунда янги Ўзбекистон ёшлари – мамлакатни модернизация қилишга қаратилган жадал ва кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва фаол иштирокчиси бўлиб майдонга чиқмоқда.

Аҳолисининг ярмидан зиёдини ёшлар ташкил этадиган Ўзбекистонда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган.

Фақат кейинги йилларнинг ўзида ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уйғун ривожлантиришга, ҳар бир навқирон инсон жамиятда муносиб ўрин эгаллашига қаратилган бир қатор қонунлар, Президентнинг фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентлари тузилди, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш ташкил этилди.

Ҳозирги вақтда "Ўзбекистон ёшлари – 2025" концепцияси ишлаб чиқилмоқда, ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолашнинг ягона мезонлари, ёшлар сиёсатини баҳолашнинг миллий индекси жорий этилмоқда.

Бугунги кунда инсоният дуч келаётган кўплаб муаммолар – тинчлик ва хавфсизликка таҳдидлар, терроризм ва экстремизм, ирқчилик, иқлим ўзгаришлари, шунингдек, COVID-19 пандемияси – ўзаро келишилган глобал ҳамкорликни ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш жараёнларига ёшларни фаол жалб қилишни талаб этмоқда.

Шу муносабат билан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг қабул қилиниши жаҳондаги икки миллиарддан ортиқ йигит ва қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. У ёш авлодни маърифий руҳда тарбиялаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади. Ушбу ташаббус халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.


Бугунги Форум иштирокчилари ҳам ана шу ташаббусни қўллаб-қувватлайдилар, ҳужжат лойиҳасини ўз амалий таклифлари билан бойитадилар, деб ишонаман.

Қадрли ёшлар!

Бугун ўз ишини бошлаётган Самарқанд ёшлар форуми глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқларини, тинчлик ва тараққиётни таъминлаш йўлида навқирон авлод томонидан қўйилган муҳим амалий қадам ва қимматли ҳисса бўлади, деб умид қиламан.

Форумнинг барча иштирокчиларига фаолиятлари самарали бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ЁШЛАР-2020: ГЛОБАЛ ҲАМЖИҲАТЛИК, БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УСТУВОРЛИГИ САРИ

Мамлакатимизда "Ёшлар-2020: глобал ҳамжиҳатлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари" мавзусидаги инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми ўз ишини бошлади.

Тадбирда иштирок этиш мақсадида халқаро ва минтақавий ташкилотлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, халқаро ва миллий нодавлат нотижорат тузилмалари вакиллари, олимлар, экспертлар, ҳуқуқшунослар, фаол ёшлар – жами 1000 дан зиёд киши рўйхатдан ўтган.

Анжуманнинг икки кунлик дастурида 50 дан ортиқ маъруза режалаштирилган бўлиб, 15 мамлакатдан 40 халқаро маърузачи ва 10 нафар миллий маърузачи сўзга чиқиши кутилмоқда.

Веб-форумнинг 4 та ялпи мажлиси давомида "Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларнинг ривожланиши", "Ёшлар ҳуқуқлари ва Барқарор ривожланиш мақсадлари", "Ёшлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича таълим", "Тинчлик ва хавфсизликни илгари суришда ёшларнинг роли: 2030 йилгача янада хавфсизроқ келажакка назар" мавзулари юзасидан мунозаралар бўлиб ўтади.

Иштирокчилар 2017 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТнинг 72-сессиясида таклиф қилинган халқаро ташаббуслар доирасида ишлаб чиқилган Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенция лойиҳасини кўриб чиқадилар. Навқирон авлоднинг ҳозирги замонда дунё миқёсида эътироф этилиши зарур бўлган ҳуқуқлари ўз аксини топган мазкур том маънодаги янги ҳужжат муҳокамаси Самарқанд форумининг асосий воқеаларидан бири ҳисобланади.

Зеро, ушбу соҳада мажбурий мазмунга эга муайян халқаро ҳужжат ҳалигача қабул қилинмаган. Бу эса бутун дунёда ёшларга оид давлат сиёсати замонавий қонунчилик базасини шакллантиришни мураккаблаштирмоқда.

Шунингдек, аҳолининг ёшлар қисмига кимлар мансублигини аниқлаш бўйича халқаро мезонлар ишлаб чиқиш зарурати ҳам мавжуд. Шу маънода, ёшлар салоҳиятини муносиб баҳолаш имконини берадиган ушбу конвенция келгусида ёш авлод ҳаётига доир кўплаб йўналишлар янада шиддатли ривожланиши учун хизмат қилиши тайин.

Бу ҳақда сўз борганда, парламент тизимида ёшларнинг роли ҳалигача муносиб қадрланмаётганини мисол сифатида келтириш мумкин. Ҳозир дунё миқёсида 30 ёшгача бўлган парламент аъзолари 2,2 фоиздан ҳам озроқни ташкил этиши ҳам буни яққол тасдиқлайди.

Шунга қарамай, парламентларнинг озчиликдан иборат ана шу навқирон аъзолари кўплаб масалалар бўйича ўз қарашларига эга. Улар мустақил ёндашув асосида зарур қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда аҳолининг катта қисмини ташкил этувчи ёшлар ишончини қозониб келмоқдалар.

Шу нуқтаи назардан, Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенциянинг БМТ томонидан олий даражада қабул қилиниши барча давлатлар ёшлар муаммоларига алоҳида эътибор қаратишига туртки беради. Янада муҳими, махсус конвенция ёшларга уларнинг ривожланиш мақсадларини янада жадаллаштиришга йўналтирилган янги босқичдаги ҳуқуқларни тақдим этади.

ЎзА

Сирдарё вилояти


СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ БИНОЛАР МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Боёвут туманидаги Жониқул Мусурмонов раҳбарлик қилаётган "Боёвут-Бунёдкор" хусусий фирмаси жамоаси аъзолари қурувчилар кунини пандемия шароитида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини янада оширган ҳолда кутиб олдилар.

Корхонада айни вақтда кунига 90-100 минг дона ғишт ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилаётир. Эътиборли жиҳати, корхонанинг тупроқни қориш, хом ғишт тайёрлаш цехлари замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Хомашё – соз тупроқнинг Султон ҳовуз массивининг ўзидан олиниб, маҳсулот тайёрлашда барча зарур компонентлар мукаммаллиги таъминланаётганлиги ғишт сифатини янада яхшилаш, таннархини анча арзонлаштириш имконини бераётир. Эни 9, узунлиги 25 сантиметрлик ғиштларнинг харидорлари жуда кўп. Ҳатто завод маҳсулотларига Жиззах ва Тошкент вилоятларидан ҳам кўплаб буюртмалар тушаяпти. Корхонанинг Қобилжон Хидиров, Шуҳрат Сувонов, Ўктам Маманазаров, Зокиржон Исроилов, Тўйчи Бадиев, Ёрбек Яхшиликов, Соли Идибоев каби экскаваторчи, ўт қаловчи, тайёр маҳсулотни тахловчиларининг ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилаётганликлари сабабли бу ерда сифатли ва харидоргир ғишт ишлаб чиқарилиб, реализация қилинаётир.

– Маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини ошириш билан бирга тадбиркорлик фаолиятимизни янада кенгайтириб, Янгиер – Гулистон автомобиль қатновидаги йўл бўйида йўловчи ва сайёҳларга хизмат кўрсатадиган замонавий меҳмонхона, юк машиналари ва енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатадиган замонавий устахона ҳам барпо этаяпмиз, – дейди "Боёвут-Бунёдкор" қурилиш фирмаси раҳбари Жониқул Мусурмонов. – Шу ернинг ўзида тиббий хизмат кўрсатадиган хусусий клиникани ҳам ишга туширамиз. Шифохонамизда хорижликлар келиб даволаниши учун ҳам барча қулайликлар яратилади.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.



Андижон вилояти

ТАДБИРКОРЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Асака туманидаги "Намуна-Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркор Азамжон Ҳусанов оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келади.

Ҳозирда у раҳбарлик қилаётган "YULDUZOY EKSPORTI" МЧЖ томонидан аҳолига керакли бўлган пар болишлар, кўрпалар ва шунга ўхшаш юмшоқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Корхонада хозирда 40 нафардан ортиқ ишчи ишлаб келмоқда. Ишчиларга ҳам барча қулайликлар яратилган.

Туман ҳокими ушбу корхонага бориб тадбиркорнинг фаоилияти билан яқиндан танишди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини кўздан кечирди. Корхона фаолиятини келгусида янада ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни келгусида қўшни давлатларга экспорт қилиш ҳам режалаштирилган.

Асака тумани ҳокимлиги матбуот хизмати

Бухоро вилояти

БУХОРОЛИК ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ РАҲБАРЛАРИДАН НАВБАТДАГИ ТАШАББУС

Бухоролик пахта-тўқимачилик кластерлари раҳбарлари ўз ҳисобларидан вилоят соғлиқни сақлаш тизимига 200 дона кислородли консентраторларни олиб келиб беришди.



"Парвоз Ҳумо Равнақ Транс" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Нурмуҳаммад Очилов ушбу хайрли ишда биринчилардан бўлиб ташаббус кўрсатди.

– Кўриб турибмизки, ҳозир халқимиз жуда оғир кунларни бошидан кечиряпти. Шифокорларнинг айтишича, пандемия даврида ҳар бир беморни даволаш учун кислородга эҳтиёж кескин ортади. Биз шуни иноабатга олиб, Хитойдан 100 дона кислородли консентраторлар олиб келдик. Консентраторларни касалхоналарга бепул берамиз. Истагимиз, инфекцияга чалинган юртдошларимиз тезроқ тузалсин. Оиласи бағрига қайтсин, – дейди Нурмуҳаммад Очилов биз билан суҳбатда.

Маълумот учун, "Парвоз Ҳумо Равнақ Транс" масъулияти чекланган жамияти ҳомийлигида келтирилган кислородли консентраторларнинг 25 таси Ғиждувон, 25 таси Олот, 25 таси Жондор тумани тиббиёт бирлашмасига, 5 тадан Вобкент ва Шофиркон тумани тиббиёт бирлашмаларига, 10 та вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига ҳам 5 таси Когон шаҳар тиббиёт бирлашмасига етказилди.

Шунингдек, "Мергантекс" пахта-тўқимачилик кластери томонидан ҳам Хитойдан олиб келинган 100 дона кислородли консентраторлар шифо масканларига юборилди. Хусусан, уларнинг 50 таси республика шошилинч ёрдам илмий маркази Бухоро филиалига, 25 таси Бухоро тумани ва яна 25 таси Қоракўл тумани тиббиёт бирлашмасига тақдим етилди.

– Гап консентраторларнинг нархи, арзон ёки қимматлигида емас. Кислородли консентраторлардан қандайдир молиявий манфаат ҳам кўзлаганимиз йўқ. Гап уларнинг инсон саломатлигига фойдаси ҳақида. Давлатимиз раҳбари биз, тадбиркорларга шунча имтиёз бериб, қўллаб-қувватлаб турган бир пайтда ҳозирги мураккаб, синовли даврда биз ҳам уларга қўл-қанот бўлишимиз керак, деб ўйлайман. Чунки бизда шунга яраша имконият бор. Албатта, қилинган яхшилик, кўрсатилган саховатни айтиш жоиз емас. Аммо бу ишимиз бизга ўхшаган бошқа тадбиркорларни ҳам ташаббусга бошласа, қийинчиликларни енгиш яна ҳам осонлашади, – дейди Иброҳим Ҳамроев.



Кластер раҳбари Иброҳим Ҳамроевнинг билдиришича, консентраторларнинг ҳар донаси умумий ҳисобда 450 доллардан тушган. Шахсан унинг ўзи 500 млн. сўм ҳисобида хайрия қилган.

Вилоят ҳокимлиги
матбуот хизмати

Фарғона вилояти

"АГАР БИЛСАНГИЗ КЕКСАЛИКНИНГ ГАШТИ ҲАМ, ЯШАРИШНИНГ АСОСИ ҲАМ МЕҲНАТ",

– дейди фермер Алижон Абдураззоқов

У бувайдалик таниқли фермер Алижон Абдураззоқов бўлиб, очиқ юзлиги, киришимлилиги билан танилиб кетган. У бундан ўн саккиз йил бурун колхозда тирик балиқ ташийдиган машина ҳайдовчиси эди. "Шу кетишда ўзгаришсиз ишлайверганимда нима бўлардим", деб ўйлаб қолади баъзан. Ойликка қараб, кун ўтказиб, болачақани боқишда қийналиб юраверган бўлармиди? Беш фарзанди, аёли, ота-онаси дегандай, ҳамасини боқишда қийинчилик бўлмасмиди?! Кун ўтаверарди, лекин, бари-бир қийналмай қолмасди. У нима қилди денг, 2002 йилда шартта таваккал қилиб хўжаликдаги қайтариб олинган ерларга бўлаётган тендерда қатнашиш учун ҳужжатларни тахт қилиб топширди. Комиссия бу ерлар тендерда агар ютиб олса уники бўлишини айтишди. У олмоқчи бўлган контурлардаги ерларга беш киши талабгор бўлиб, улар орасида хўжалик раиси ҳам бор эди...

Тендерда у барча "рақибларини" ютиб чиқди. Энди эса ишлаш, тер тўкиш керак. Бусиз уялиб қолиши мумкин. Унинг тузган "Ёқуб Али" фермер хўжалиги ерлари туман марказидан 28 километр узоқликдаги чўлда жойлашган. Бу ерлар ўрнидаги колхознинг балиқчилик кўллари яхши даромад бермай қўйганини ҳамма биларди. Ўзи яшайдиган Беговот қишлоғидаги ва ён қўшни қишлоқлардаги тенг-туш, таниш-билиш дегандай, унинг бир кун ҳам дам олишга вақти бўлмай қолганини кўриб мийиғида кулиб қўйишарди. У ҳар куни Худодан ўзига омад тилаб чиқиб кетар, тунда уйга кириб келарди. Кўлларни тозалаб, дизенфекциялаш яхши самара беришини ўйлаб қилинган иш яхши бўлган экан, буни кейин билди. Унинг иродаси кучли эди, ёнига фарзандлари, яқин кишиларни олди, хўжалигини оёққа турғазди, ривожлантирди.

Бугун Алижон Абдураззоқов билан унинг фермер хўжалиги эгизаклардай бирга-бирга ўсиб, ҳар томонлама ривожланганини кўрганлар ҳавас қилишади. Орадан ўтган ўн саккиз йил ичида зарар кўраётган кўлларни фойда берадиган даражага етказишда матонат билан ишлади. Неча-неча техника воситаларини ёллаб ишлатди, машинасини сотиб харжлади.

– Кексаликнинг гашти ҳам, яшаришнинг асоси ҳам меҳнатда экан, – дейди Алижон ака. – Ёшим етмишга қараб кетаётган бўлса-да, ғайратим сусайгани йўқ. Меҳнат кишини яшартиради, тоблайди, касалликларга чалинтирмайди. Ҳозирги пандемия шароитида ҳам ўзим яратган кўлдан жилмайман. 41 гектар ернинг 32 гектаридан ортиғи балиқ кўлларидан иборат. Бу кўлларда етиштирилган турли балиқлар йиллар давомида аҳолининг парҳез балиқ гўштига бўлган талабини қондириб келмоқда. Туманда битта мен балиқчилик кўлига эга эмасман. Яна 12 хўжалик балиқ етиштиришга ихтисослашган. Уларнинг аксари менинг шогирдларим. Биз биргаликда, ҳамжиҳатликда, аҳил-иноқликда бамаслаҳат ишлаймиз. Уларга устозлик қилаётганимдан хурсандман. Кўлларимизда ҳар йили кам деганда 60 тонна балиқ чавоғи етиштирамиз, шундан 20 тоннасини ўзимизга олиб қоламиз, қолганини атрофга чиқарамиз. 30 тонна атрофида товар балиғи ҳам бўлади, уни дўконларга, бозорларга чиқарамиз. Карантинда ишлолмай, уйида ўтирган оилаларга гўшт маҳсулотларидан ёрдамлашиб келяпмиз. Бу халқимизга хос фазилат. Бизда бўлса-ю уларда бўлмаса бу ҳам инсофдан эмас деб маҳаллаларимиздаги кам таъминланган оилаларга мурувват қилиб ўзимизнинг кўнглимизни яйратяпмиз. Чунки, ким ўзгаларга мурувват кўрсатса аввало ўзининг кўнгли яйрайди...



– БИЗДА СИР ЙЎҚ, ОЧИҚ АЙТАМАН, МАНА БУ ЙИЛГИСИ ХУДО ҲОҲЛАСА 800 МИЛЛИОН СЎМГА БОРАДИ. ҲАВАС ҚИЛГАНЛАР ЕТАДИ, ФАҚАТ ОРЗУ БИЛАН ЭМАС, МЕҲНАТ БИЛАН...



Алижон аканинг балиқ кўллари узоқдан ҳам, яқиндан ҳам жуда жозибали кўринади. Агар ёнига борсангиз билакдай келадиган 1,5 килодан 3 килогача бўлган балиқларнинг сакрашидан завқ оласиз. Улар ҳали ўсишда давом этади. Кунига 20 граммдан ўсса ҳам фермер учун катта кўрсаткич саналади. Бу кўлларга коллекторларнинг ташламаларидан 4 та насос орқали сув олиняпти. Бундан бошқа келадиган сув манбаси йўқ. Хўжаликнинг техникалари доимий янгиланиб турибди. Уларсиз иш унуми яхши бўлмайди. Ем ташиш, балиқ ташиш, ўғит олиб келиш каби ишларни транспортсиз бажариб бўлармиди?

– Чўл бўлгандан кейин бу ерга шийпон, бостирма, "Балиқчилар уйи" қуриб олмаса бўлмайди, – дейди фермер кўллардан сал нарида қурилган бинони кўрсатиб. – Ишчиларимиз учун махсус бино барпо қилганмиз. Шу ерда улар учун икки маҳал иссиқ овқат бўлади, дам олиш хоналарида телевизор кўришади, хордиқ чиқаришади. Яна бир янгилик, биз ўзига хос экотуризмнинг нуқтасига айланиш учун тайёргарлик кўряпмиз. Балиқ овига ишқивоз ҳаваскор балиқчи сайёҳлар бу ерга қармоқлари билан келиб хоҳлаганча яшаб туришлари учун 4 та ҳар бирига 150 миллион сўмдан маблағ сарфлаб кодтеж қуриш режамиз бор. Бу қурилишни тезлаштириш ниятидамиз. Экотуризм йўналишида йўлланма билан келган сайёҳлар яхши шароитга эга бўлган хоналарда туриб кўлларимиздан илинтирган балиқдан тансиқ шўрва, димлама, қовурма ва бошқа парҳез таомлари тайёрлаб истеъмол қилишади ва дам олишади. Бу иш яна бироз кунлардан кейин, карантин муддати тугагач жонланиб кетади. Инсон балиқни ўз қўли билан ушлашни яхши кўради, бироқ кўп жойда бунинг иложи йўқ.

Чиндан ҳам Алижон Абдураз-

зоқов балиқ ўстириш ва уни кўпайтиришда олий маълумотли малакали мутахассис даражасига етиб қолган кўринади. У республиканинг турли балиқчилик хўжаликларида, жумладан, Наманган, Андижон, Тошкент, Жиззах, Сирдарё каби вилоятларда, Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ҳамкасбларига иш ўргатади ва амалий ёрдам беради.

– Ҳар бир гектар ернинг берадиган даромадини ўйлаб иш тутиш лозим, – дейди Алижон ака. – Бунинг учун аввало кўлга етарли чавоқ ташлаш шарт. Ундан кейин уни озиқлантиришга эътибор берилади. Мен ўтган ҳаётим давомида битта нарсага кўп эътибор берадиган бўлиб қолдим. Бой одам билан камбағал одам ўртасидаги фарқ улар вақтдан қандай фойдаланишига қараб белгиланар экан. Айтайлик, икки кишининг бир гектардан ери бор, улар бир хил шароитда бир хил экин экди. Уларнинг қайсисида ҳосил мўл бўлса, ўша кўп вақтини экин парваришлашга сарфлаган бўлади. Мен кейинги йиллардаги кўп вақтимни балиқ наслини яхшилашга қаратяпман...

Балиқ кўлларида олиб борилаётган ишларни кўриб бунга амин бўлиш мумкин. Фермер ҳар куни 11 мутахассис билан бирга кўллардаги балиқларни кўздан кечириб, унинг ривожланишини текширади. Еми, ўғитига қарайди. Алоҳида кўллардаги балиқ чавоқлари ўсишини назорат қилади. Улар ҳар бири 10 граммдан 20 граммгача, баъзан ундан каттароқ, 70 граммдан 120 граммгача бўлиши ҳам мумкин. Алоҳида она балиқ боқиладиган кўлда 4-5 йиллик, айрим турдагилардан 10 йиллик она балиқларнинг 200-250 тасидан насл олинади. Ҳар бири 8-15 килограммдан кам бўлмаган сазан, оқ Амур, дўнг пешона, маҳаллий сом балиқлари бор.

– Мен балиқ чавоқларини ўзим етиштираман ва бошқа фермерларга керагича бераман, – дейди Алижан ака. – Балиқ уруғини ўзим етиштириб, ўзим чавоқ тайёрламасам бу турлар йўқолиб кетиши мумкин. Ўзимизда тайёрланган чавоқдан соғлом балиқ ўсади. Табиий шароитга боғлиқ-да. Маҳаллий наслдан товар балиғи уруғи олинадиган 80-100 дона атрофида она балиқ бор. Улардан ҳар йили 4-5 килодан соғлом увилдириқ оламиз. Сазан ҳар йили жуда сифатли уруғ беради ва яна кўлга қўйиб юборилади. Лекин оқ Амур, дўнг пешона наслли балиқлар билан хайрлашамиз. Улар уруғ бериб ўлади.

Алижон аканинг яқин шогирдларидан бири Ҳожимуҳаммад Одилов унинг ёнига бир иш билан келди. Нимагадир устози ҳақида гапиргиси келди.

– Мен балиқчиликни шу кишидан ўрганяпман, – дейди тўлқинланиб. – Алижон аканинг шу ёшда ҳам ғайрат билан ишлаётгани, жисмоний бақувватлиги, донишмандлардай фикр юритиши шахсан мени ҳавасимни келтиради. Устозимизнинг ҳали режалари улкан.

Демак, Алижон ака ҳақида эшитганларимиз ҳақ гап экан. Ундан барака топаётганларнинг кўплиги ҳам тўғри. Чўлда яна бир шогирдини учратдик. У Баҳодиржон Султонов экан.

– Алижон акам тадбиркор, ишнинг кўзини биладиган кишилар сирасига киради, – дейди Баҳодиржон. – У қўл остидаги ишчиларга йўл-йўриқ кўрсатиш билан бирга ўзи шахсан ибрат бўлади. Баъзи ёшлар сал эриниб сояга чиқиб олгудай бўлса "ҳа йигитлар, мана мен ҳам сизларга ёрдам бериб юбораман" деб уларнинг ғайратларини оширади. Ҳеч қачон бугунги ишни эртага қўймаган.

Ҳар бир касбнинг миришкори бўлганидек, бу фидойи фермер билан суҳбатлашсангиз сизнинг ҳам ишлагингиз келиб кетади. Шу ёшда ҳам унга Худо куч-қувват, ақл-заковат берганига қойил қолиш керак. Ҳар йили 30 тонна атрофида истеъмол балиғи ва 60 тонна атрофида балиқ чавоғи олиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Шунинг 20 тоннасини олиб қолишиб, 40 тоннасини сотишади. 40 тонна балиқ чавоғи 40 граммдан бўлганда 1 миллион донасини фермерларга тарқатишади. Илгари айримлар унча назарига илмай юрган Алижон ака Абдураззоқов ҳозир пиру-бадавлат кишилар қаторида туради. Қийналиб қолганлар бир нима сўраб борса ноумид қайтармаган. Ҳамқишлоқлари орасида камхаржроқ оилаларни ўзи билади. Уларга вақти-вақти билан саховат кўрсатади. Унинг 5 фарзанди, 18 набираси, 5 чевараси отадан, бободан ибрат олиб ўсяпти, тарбияланяпти. Икки навараси Самарқанд ва Андижон олий ўқув юртларида балиқчилик ихтисослиги бўйича ўқияпти. Уларни қариганимда қўлимдан ишимни оласизлар, деб ўзи юборган. Айни дамда неварининг бири Шерзод бобосининг кўлида институтда олган назарий билимларини амалий ишларда синаб кўраётир.


Алижон Абдураззоқов илгари колхозда ҳайдовчилик қилгани учун ўша йилларнинг фикри билан юрибди, деб ўйламанг. Агар у шундай бўлганида хўжаликни шу даражага етказиб, ҳамманинг ҳавасини келтирадиган қилиб қўймаган бўларди. У аввало ҳисоб-китобни яхши ўзлаштириб олган, ўз устида ишлайдиган, янгиликлар ва инновацион технологиялар жараёни билан танишиб борадиган кишига айланган. У тумандан ташқари вилоятда, республикада бўладиган йиғилишларда қатшиб туради. Яхши фермер сифатида соҳага доир фикрларини айтиб, тажрибаларини гапиради. Кўпгина балиқчилик фермер хўжаликлари бошлиқлари уни ўзларига олиб кетиб, тажрибаларини ўрганишади. У эса йўқ демай боради ва эринмай ўргатади. Агар ўзида тўпланган тажрибани ўргатмаса, инсонгарчилик қаерда қолди, деб ўйлайди. Содда, оддий, меҳнаткаш одамнинг фазилати шу-да.

Бир нарса эсдан чиққандай ундан сўраймиз:

– Агар сир бўлмаса, айтинг-чи, бир йиллик соф даромад қанчага боради?

– Бизда сир йўқ, очиқ айтаман, мана бу йилгиси Худо хоҳласа 800 миллион сўмга боради. Ҳавас қилганлар етади, фақат орзу билан эмас, меҳнат билан...

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.



Хоразм вилояти

ҚУЁНЧИЛИК – СЕРДАРОМАД СОҲА

Чорвачиликда гўшт, сут, тухум ва балиқ маҳсулотлари билан бир қаторда қуён гўшти етиштириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, қуёнчилик етти хазинанинг биридир. Қолаверса, қуён гўшти парҳезбоп ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда қуённинг 50 дан ортиқ зоти бор. Маҳсулот беришига қараб қуёнлар иккита катта гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳга гўшт ва тери берадиган қуён зотлари киради: оқ великан, кулранг великан, шиншила, капалаксимон, олмахонсимон, кумушсимон, қора қўнғир, вена зангори ва бошқалар. Иккинчи гуруҳга тивит берадиган қуёнлар кириб, ангор зоти, оқ момиқ зоти, киров зоти шулар сирасидандир.

Боғотлик Шокир Норбоев жорий йил бошида ўз тадбиркорлигини қуёнчилик йўналиши бўйича бошлаб, "Лазизбек, Шаҳризода, Зилнура" МЧЖ ни ташкил этди. Унга тумандаги "Қалъажиққалъа" маҳалласи ҳудудидан қуён боқишга мўлжалланган комплексни қуриш учун 0,36 гектар, қуёнларнинг озуқа маҳсулотларини етиштириш учун 5 гектар ер ажратилди. Бу қуёнчилик комплекси 15000 бош қуён боқишга мўлжалланган. Тадбиркор Шокир Норбоев "Боғот келажак пойдевори" қуёнчилик корхонаси билан қуён етказиб бериш бўйича шартнома тузиб, ишларни бошлаб юборди.

– Қуёнчилик комплексимизни қуриб битказдик, – дейди тадбиркор Ш.Норбоев. – Ҳозирда 600 бош қуён парваришлаяпмиз. Салқин тушиши билан қуёнларимиз кўпайишни бошлашади.

Узунқулоқ жониворнинг биз билмайдиган жиҳатлари кўп экан. Масалан, қуён гўшти парҳезбоплиги билан алоҳида ажралиб туриши, қуён гўшти кекса ёшли, айниқса болалар соғлиги учун ниҳоятда фойдалилиги, бир килограмм қуён мияси кукуни жаҳон бозорида қиммат баҳоланиши ҳатто қуёнларнинг чиқиндиси деҳқончиликда ўғит ўрнида яхши самара беришини мутахассислар эътироф этишмоқда.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ХАВОТИРДАН ХОЛИ БЎЛИНГ!

Бугунги кунда барпо этилаётган турли бинолар ва фуқароларнинг уй-жойлари шаҳримизнинг янада чирой очишига сабаб бўлаётир.

Барпо этилаётган хусусий уй-жойлар ихчам, қулай ва кўркам бўлиши билан бирга, камчиқим бўлиши ҳам давр талабидир. Эътибор берсангиз, улар бундан 10-15 йил олдинги иморатлардан тубдан фарқ қилади: илғор қурилиш технологиялари, замонавий қурилиш материаллари шаҳар меъморчилигига жиддий ижобий ўзгаришлар киритмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли яшаш жойларини ёнғиндан муҳофаза қилиш, қурилиш пайтидаёқ уларнинг ёнғинга қарши ҳолатини ҳисобга олиш муҳим масаладир. Чунки содир бўлган ёнғинни бартараф этишдан кўра, бошиданоқ уйимизни мустаҳкам, ёнғинга бардошли қилиб қурсак бу ҳам арзон тушади, ҳам йўқотишларнинг олдини олган бўламиз.

Алибек МИРЗААҲМЕДОВ,
Миробод тумани ФВБ П ва НБ мутахассиси, оддий аскар.

Жиззах вилояти

Она замин саховати

Бундан бир неча йил олдин Тўлибой, Қизилқум массивлари янтоқ, шувоқ босиб ётган бийдек чўл эди. Ўша йиллар бу ерларга ҳам экин экилиб, боғ-роғлар, узумзорлар ташкил этилади деса ҳеч ким ишонмасди. Боиси, бу ерларга сув чиқаришнинг ўзи амримаҳол эди...

МАНА БУГУН НАФАҚАТ ВИЛОЯТДА, БАЛКИ ТОШКЕНТ-У САМАРҚАНД, БУХОРО, ВОДИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА ҲАМ ТИЛИМИ ТИЛНИ ЁРАДИГАН "ТЎЛИБОЙ ҚОВУН-ТАРВУЗЛАРИ" НОМИ БИЛАН МАШҲУР БЎЛИБ КЕТГАН ҚОВУН-ТАРВУЗЛАР АЙНАН БИЗ ЮҚОРИДА ТИЛГА ОЛГАН МАССИВЛАРДА ЕТИШТИРИЛМОҚДА.



Ҳар куни даладан янги узилган қовун-тарвуз ортиб, республикамизнинг турли шаҳарларига қараб турнақтор бўлиб кетаётган машиналарга кўзингиз тушаркан, она заминимиз нақадар саховатли эканидан қалбингиз ғурурга тўлади. Халқимизнинг яратувчилик меҳнатига тасаннолар айтасиз. Бугун ана шу йиллар давомида қақраб ётган чўлларга артезан қудуқ қазилиб, сув чиқарилди. Боғлар, узумзору экинзорлар ташкил этилиб, халқимизнинг ризқу-насибаси бўлмиш озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилмоқда. Бозорларимиз, савдо дўконлари пештахталарига чиқарилмоқда. Тўлибой массивининг номи аслида қандай келиб чиққан? Боғдон шаҳарчасидан чиқиб Отақўрғон қишлоғи томон йўлингиз тушса, Тўлибой номи билан аталувчи унча катта бўлмаган қишлоққа дуч келасиз. Бу жой Тўлибой деб аталади. Бу ном қишлоққа расмий равишда қўйилмаган.

Фориш тумани ташкил этилган 1935 йилларда ушбу массивда ҳозирги "Учма" маҳалласи Қамиш қишлоғида яшовчи Тўлибой Жумаев деган одам бу массивда қўшда ер ҳайдаб, лалми ғалла етиштириб, халққа тарқатаган. Шу-шу бу ерга халқ унинг исмини қўйиб, Тўлибой массиви деб атайди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ана шу ислоҳотлар боис асрлар давомида қақраб ётган Тўлибой ва Қизилқум массивларига ҳаёт кириб келди. Ушбу заминнинг унумдор ерларида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, халқимиз дастурхонига тортиқ қилиняпти. Айни кунда бу массивда мева-сабзавотчилик, узумчилик, полиз маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган 30 дан зиёд фермер хўжаликлари, хусусий корхоналар ташкил этилиб, фаолият олиб боряпти.

Ана шундай омилкор деҳқонлардан бири "Фориш гермес" фермер хўжалиги раҳбари Зоир Тоғаевдир. У ҳам ушбу массивдан ер олиб, артезан қудуқ қазиб, деҳқончилик қилмоқда. Фермер хўжалигида 5 та иш ўрни яратилган. 10 гектар ерда интенсив боғ яратилиб, унда экилган олма, гилос, беҳи, шафтоли, бодом ҳосилга кирган. 4 гектар ерда қовун-тарвуз етиштирилиб айни кунда бозорларга, савдо дўконларига пешма-пеш етказиб бериляпти. 2 гектар ерда чорва озуқаси бўлган беда етиштирилмоқда.

– Бу ерларда деҳқончилик қилиш осон эмас, – дейди фермер. – Сабаби, саратон кезлари доим гармсел шамоли эсиб туради. Бир кун экинларга эътиборсиз бўлсангиз, гармсел экинларнинг рангини ўзгартириб юборади. Шу боис экинларни суғоришга эътиборни кучайтирганмиз. Албатта, меҳнат қилган, ҳаракат қилган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Ана шу ер орқасидан турмушимиз фаровон, каму кўстимиз йўқ.

– Бу массивда 2003 йилда иш бошлаганмиз, – дейди "Кумцитрус" фермер хўжалиги раҳбари Худойберди Турлиев. – Ихтиёримизда 20 гектар экин майдони бор. Унинг 10 гектари интенсив боғ. Олма, гилос ва бошқа мевалар қийғос ҳосилга кирган. 2 гектар ерда қовун-тарвуз, 3 гектар ерда ловия етиштиряпмиз. 1 гектар ерга экилган токлар ҳосилга кириб бошлади. Фермер хўжалиги ҳисобига 5 та иш ўрни яратиб, ана шу масҳулотларни етиштиряпмиз. 10 гектар ерда тут плантацияси яратдик. Куркачиликни ҳам йўлга қўйиб, айни кунда 50 бош курка боқяпмиз. Мақсадга эришиш йўлида астойдил ишлаяпмиз.

Турғун ЎРОҚБОЕВ,
журналист.



Хоразм вилояти



ҚУЛУПНАЙДАН ЙИЛ – ЎН ИККИ ОЙ ҲОСИЛ

Қулупнай кўп йиллик ўсимлик бўлиб, совуққа, турли касалликларга чидамлилиги, ҳосили эрта, яъни баҳорда пишиб етилиши, инсон организми учун шифобахш хусусиятлари билан ажралиб туради.

Хонадон шароитида томорқанинг бир парча ерига экилган қулупнай ҳосилининг ўзи оила аъзолари эҳтиёжини тўла-тўкис қондиради. Шу боис қулупнайни томорқа ерларида етиштириб, яхшигина даромад қилаётган элдошларимиз кам эмас.


Аммо, янги технологияларни қўллаб, қулупнайдан йил-ўн икки ой ҳосил олаётган деҳқонларнинг ишини кўриб бизникилар ҳам хорижий давлат деҳқонларидан қолишмаслигига тан берасиз. Боғот туманида яшовчи тадбиркор "Шаҳзода Жанона" хусусий фирмаси раҳбари Неъматжон Бекниёзов экспортбоп "Альбион" навли қулупнай мевалари билан халқ дастурхонини безамоқда. У Осиё Тараққиёт Банкидан 330 минг доллар кредит олиб, 6000 квадрат ерга Туркиядан "Альбион"навли қулупнай кўчатларини келтириб экди ва 15 та ишсиз ёшларни иш билан таъминлади. Гидропоника усулида етиштирилаётган қулупнай нави экспортбоп, ранги тўқ қизил, йирик, чиройли, узилгандан кейин ҳам 10 кун давомида сифати сақланиб туриши билан ажралиб туради

Неъматжон Бекниёзов келажакда фаолиятини янада кенгайтириш ва 8 та иш ўрни яратиш устида иш олиб бормоқда. У хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, маҳсулотини экспорт қилишга тайёрлаяпди. Тадбиркор пандемия шароитида қийналиб қолган эҳтёжманд оилаларга 155 коп унни хайрия қилди.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Наманган вилояти

Мухбирликнинг нонини ейиш осон эмас. Сабаби, юрт кезасиз, турли қарашга эга инсонлар билан рўбарў бўласиз-да. Бири ҳаётидан мамнун эканлигини айтиб кайфиятингизни кўтарса, баъзи бирлари кимларнингдир ёмонлигидан чеккан жафолари ҳақида куюниб сўзлайди. Сиз эса ўртада, одилона туриб, ҳақиқатнинг посангисини топишингиз, кўпчиликка маъқул бўлган ҳаққчил гапни ёзишингизга тўғри келади. Бу эса журналистга нафақат, холисона, одилона иш кўришни, ҳушёр мулоҳаза юритишни ҳам тақоза этади, албатта.



УНИНГ КИМЛИГИНИ ЭЛ БИЛСА БЎЛДИ...

Янгиқўрғон тумани Исқоват қишлоғида истиқомат қилаётган Муҳаммаджон Маҳмудов бу йил икки кам етмиш ёшга тўлди. Унинг оммавий ахборот воситаларига меҳри бўлакча. Ёшлигидан ҳар бир тонгни газета ва журналларни мутолаа қилишдан бошлашга одатланган. Қаерда мухбир билан кўришиб қолса энг яқин қадрдонини кўргандек севиниб кетади. Ватан равнақи, жамият ривожи йўлидаги таклиф, фикр, мулоҳазалари билан ўртоқлашади.

Газеталар юрт тарихини ўзида акс эттирувчи, келажак авлодларга қолдирувчи бебаҳо солнома эканини таърифлашдан эринмайди. Яқин кунларда бу соҳага ҳам эътибор қаратилишига ишонаман, дейди у бугунги рўзномалар ҳолатидан ташвишланган кўйи.

У билан бўлган учрашувимизда ҳам қўлидаги "Hurriyat" газетасига кўзимиз тушди. Унда таниқли журналист Ҳамид Сулаймоннинг "Қора кун"лар изтироби" мақоласи чоп этилганидан хабар топдик. Газетанинг жорий йил 24 июндаги сонида босилган бу мақола айнан Муҳаммаджон аканинг ноҳакликларга учраган армонли ўтмиши ҳақида эканлиги маълум бўлди. Қутлуғ ёшда ҳам жамоатчилик ишларида фаол қатнашиб, элим деб, юртим деб астойдил меҳнат қилаётган бу инсоннинг тақдири билан қизиқдик.

Маълум бўлдики, Муҳаммаджон Маҳмудов тарихий Кушон давлатининг фахри бўлган Маҳдуми Аъзам Косонийнинг ўнинчи авлоди бўлган, 1907-1959 йилларда "Сирли" ва "Исковат" жоме масжидига имомлик қилган таниқли Султонмаҳмудхўжа эшоннинг суюкли фарзандларидан бири. Ана шундай оилада тарбия топган Муҳаммаджон аждодларига муносиб авлод бўлишга аҳд қилди. Аввало, пухта илм, ҳунар эгаллаш, эл корига ярайдиган инсонлар қаторидан ўрин олишга интилди.

1969 йил мактабни аъло баҳоларга тугатиб, Тошкент қишлоқ хўжалик техникумида ўқиди. Дипломни қўлга олгач Наманганга қайтди. "Ўздаверлойиҳа" институтининг вилоят филиалида иш бошлади. Икки йилдан сўнг Янгиқўрғондаги хўжаликлардан бирида ер тузувчи муҳандис, 1978-1997 йилларда Янгиқўрғон тумани ҳокимлиги ер тузиш-кадастр бўлими бошлиғи вазифасида ишлаш билан бир қаторда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ер тузиш факультетини сиртдан тамомлади. 1997-2002 йилларда Д. Сатторов номли ширкат хўжалигини бошқарди. 2002-2007 йилларда Янгиқўрғон тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи, 2007-2010 йилларда "Ўздаверлойиҳа" институтининг Наманган филиали директори, 2010-2012 йилларда Наманган шаҳар ҳокимлиги ер ресурслари давлат кадастри бўлимининг бошлиғи вазифасида астойдил тер тўкди.

Ўз соҳасининг фидойиси бўлган Муҳаммаджон ташкилотчилиги, айниқса, тадбиркорлиги билан нафақат туманда балки вилоятга ҳам танилди. Бир неча бор сайловчилар томонидан катта ишонч билдирилди ва туман кенгаши депутатлигига сайланди. Айни пайтда ҳам туман кенгаши депутати сифатида самарали фаолият юритмоқда. У ўзининг ўтмиши ҳақида шундай ҳикоя қилади.

– 2010 йилнинг кузи эди. Ишхонамга ўзини вилоят прокуратураси ходими, дея таништирган бир аёл кириб келди. Суҳбатимиз бошланмасидан телефонда ҳуқуқ тартибот идораларида ишловчи аллакимлар билан узоқ гаплашиб, бир-икки масалани ҳал қилди-ю, қўйди. Бу мени авраб, ўз домига илинтириш йўлидаги саҳна кўринишидан парча эканлигини тушунмабман ҳам.

– Сизни жуда яхши биламан, – дея мен ҳақимда қатор асосли маълумотлар, жумладан, тадбиркорлик орқасидан олаётган даромадларимни тилга олди. Ҳатто турмуш ўртоғим билан муборак ҳаж сафарига бориш ниятида эканимни ҳам айтиб, ёрдам қилиши, шу йилнинг ўзида навбатсиз жўнатиб юбориши мумкинлигини таъкидлади. Бунинг учун ҳаж харажатларига 6000 доллар берсангиз кифоя, – деди ўзини Фотимахон Ғаниева, деб таништирган аёл. Мен ҳаётим давомида бундай пухта сенарий асосида иш олиб борадиган товламачиларга биринчи дуч келишим эди. Лаққа тушибман. Ўн кун ичида айтилган маблағни вилоят прокуратураси олдида, унинг шахсий "Матиз" машинаси салонида қўш-қўллаб санаб бериб, катта хатога йўл қўйдим. Дўст-ёронлардан бемаслаҳат босган бу қалтис қадамим менга қимматга тушди. Ўша йили ҳажга борувчилар рўйхатида кўринмадик. Келаси йилга қолдирилганимиз айтилди. Бундай жавоб менда шубҳа уйғотди. Суриштириб билдим. У аёл умуман прокуратура соҳасида ишламас экан. Пулни қайтариб беришини талаб қилдим. Аммо Фотима Ғаниева бало экан. Мендан олдин бошимга туҳмат балоларини ёғдириб, тегишли жойларга ёзавериб икки оёғимни бир этика тиқиб қўйди.

Аввалдан келишиб олган таништари М.Абдуллаев, Ҳ. Мамадалиева, ёлланма шафёр Х.Усмонов ҳамда сохта гувоҳ Э.Юсуповлар билан "шантаж" уюштиришди. Устма-уст қилинган, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бўҳтонлардан ўзимни йўқотиб қўйдим. Прокуратура терговчиси ҳам, ЖИБ Косонсой тумани суди раиси М.Қирғизов ҳам ишни тезроқ бир томонлама якунлашнинг пайидан бўлишди. Менинг ва адвокатимнинг сўз, асосли фактларига эътибор ҳам қаратмади. Кейинчалик Э.Юсуповнинг туҳмат қилганини тан олиб берган мурожаати ҳам беэътибор қолдирилди. Айбловлар сўзма-сўз кўчирилиб, емаган сомсага пул тўладим, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Яратганга шукр, Президентимиз Ш.Мирзиёв томонидан ҳуқуқ тартибот идораларидаги бундай ноҳакликларга ўз вақтида чек қўйилди. Амниция билан муддатидан олдин озодликка чиқдим. Кейин билсам менинг тақдиримга бефарқ қараган, "шантаж"чилар тарафида туриб иш кўрган, адолатсизликка йўл қўйган прокуратура терговчиси ўз вазифасидан четлатилибди. Фотима Ғаниева фирибгарлиги ортидан икки марта суднинг қора курсисига ўтирибди. Менга туҳмат уюштирган Маъруф Абдуллаев ҳам судда ўз жазосини олибди.

Тўғриси, ҳали ҳам элимга, юртимга нафим тегса дейман. Айни дамларда ҳам вилоят ҳокимлигининг тумандаги қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича вакили, вилоят ва туман Нуронийлар кенгаши аъзоси, Халқ демократик партияси туман кенгашининг фаоли сифатида ўз ҳиссамни қўшиб келмоқдаман. Ҳар тонг яхши ният билан ишга отланаман. Туман фуқароларидан тушган ариза, таклиф, муносабатларни эринмай ўрганишга, ечимини топишга, халқимиз учун нимаики қўлимдан келса кўмак беришга шошиламан. Ахир, айтишадику, бу дунёда алалоқибат қилган хайрли ва савоб ишларингиз, яхшиликларингиз қолади. Шундаймасми?

Аммо ўша ноҳакликлар оқибатида жазо олганим, ноҳақ "жиноятчи" деган ном пешонамга битилган кунлар асло ёдимдан чиқмайди. Энди бу ҳақида керакли жойларга ёзиб, ҳақиқатни қарор топириш ниятим ҳам йўқ эмас. Бироқ, бу ҳақида мен севиб ўқийдиган газеталарда ёзилса, уни кўпчилик ўқиб, хабардор бўлса сал бўлса ҳам эл-юрт олдида юзим янада ёруғ бўлармиди, қолаверса, мен каби ҳар кимга ҳам ишонувчан инсонлар ҳушёр, сергак тортармиди дейман-да. Якуний сўзим, мен жиноятчи бўлмаганман, ўша даврнинг, нопок кимсаларининг қурбонига айланганман. Бу ҳақида қанча куйиниб гапирмайин, энди умрни ортга қайтариб бўлмайди. Шундаймасми? Ягона тилагим, менинг кимлигимни эл билса, фарзанд ва невараларим мен аждодларим билан фахрланганимдек, менинг номимни пок сақлаб асрлардан-асрларга олиб ўтса, – дейди Муҳаммаджон Маҳмудов.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

"Qishloq hayoti"
2020-yil 13-avgust, 36-37-sonlar

АВГУСТ – ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА МУҲИМ ОЙ



Деҳқонларимиз шу кунларнинг ҳар бир сониясини қадрлаб, ғўза парваришини синчковлик билан олиб бормоқдалар. Улар ҳосилни кўпайтириш ва уни сақлаб қолиш айни палладаги ғўза қатор ораларига бериладиган ишловнинг сифатли бажарилишига боғлиқлигини яхши билишади.

Ҳароратнинг кўтарилиши ғўза барглари юзаси бўйлаб мажбурий буғланиш юз беришига олиб келади.

МАЪЛУМКИ, ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАРНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ВА СИФАТЛИ БАЖАРИШ, ТУПРОҚНИНГ ТАБИИЙ НАМИДАН, МАВЖУД РЕСУРСЛАРДАН, МИНЕРАЛ ВА МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТЛАРДАН, СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ, ИЛМИЙ ТАВСИЯЛАРНИ ВА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ КЕНГ ҚЎЛЛАШ МУҲИМДИР. БУНДА АЛБАТТА, ҲАР БИР КУН, ДАҚИҚА АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ. БАРЧАСИ ОБИ-ТОБИДА АМАЛГА ОШИРИЛСАГИНА КЎЗЛАНГАН НАТИЖАГА ЭРИШИЛАДИ.

Шу боис ҳам деҳқонларимиз шу кунларнинг ҳар бир сониясини қадрлаб, ғўза парваришини синчковлик билан олиб бормоқдалар. Улар ҳосилни кўпайтириш ва уни сақлаб қолиш айни палладаги ғўза қатор ораларига бериладиган ишлов сифатли бажарилишига боғлиқлигини яхши билишади.

Мана шу тадбирлардан бири пайкалдаги тупроқ намлигини бир маромида сақлаб туришдир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ғўзани чанқатиш ёки унга керагидан ортиқ сув бериш ҳам зарардир. Яна бир гап, ғўзани кўпроқ тунда суғориш лозим. Шундан сувнинг фойдаси ошиши, ҳосил тугунчалари тўкилиши камаяди.

Тупроқни бир текис намлаш учун калта эгатли суғориш самаралидир. Суғориш "шарбат" усули қўлланилганда, ғўза озуқа олиш баробарида сувнинг буғланиши камаяди, тупроққа яхши сингади, нам узоқ сақланади. Бунинг учун ҳар бир майдон (контур)нинг сув киradиган жойига "шарбат" тайёрлаш учун хандак (ўра) қазилиб, суғоришдан 5-6 кун олдин 1:1 нисбатда сув билан гўнг аралаштирилиб қўйилади. Бунда фекаль, тоза мол гўнги, чириган гўнг ёки компостдан фойдаланиш мумкин. Ғўза ривожи тезлашишнинг яна бир омили даланинг бегона ўтлардан холи бўлишидир.

Август ойида ҳам ғўза майдонларида ёввойи ўт босиши, ҳатто улар уруғлаш босқичига кириши эҳтимоли ҳам йўқ эмас, чунки бегона ўтлар шарт-шароитга ўта мослашувчан бўлади. Улар ғўзага нисбатан сув-озуқа ресурсларидан кўпроқ ҳазм қилади, натижада ғўза сояда қолади. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ғўза билан бирга униб чиққан бегона ўт ғўза билан рақобатда бўлади. Кузатувлар ўтказилганда, бугун ўсув даврида итузум билан зарарланган далада ғўза гектар бошига 13,7 центнер ҳосил берган, экин дастлабки 3 ҳафта мазкур бегона ўтдан тоза тутилганда эса ҳосил 38,9 центнерни ташкил этган. Бегона ўтлар бевосита зарар келтириши билан бирга билвосита ҳам зиён кўрсатади. Яъни улар паразит замбуруғлар қўзғатадиган касаллик учун қўшимча имконият сифатида касалликлар кўпайишига хизмат қилади. Бегона ўтлар зарарли ҳашаротлар учун озуқа манбаидир. Кўп зарарли ҳашаротлар олдин бегона ўтлардан озиқланиб кўпаяди, сўнгра ғўзага ўтади.

Ҳосилга хавф соладиган ҳашаротлардан бири ўргимчакканадир. Унинг кўпайиш жойларига олтингугурт кукунини (25-30 кг/га) чанглатиш ёки унинг оҳакли қайнатмасини 2 фоиз сувли эритма тарзида қўл аппаратлари ва пуркагичлар ёрдамида (200-300 л/га) аралашма сарфлаб, пуркаш керак.

Яна бир зараркунанда – кўсак қуртига қарши курашиш учун феромон тутқичлар зарур. У кечки салқинда ўрнатилиб, эрталаб назорат қилиниб, қайта йиғиштириб олинади.

Кўсак қуртининг капалаги тухум қўйишдан бошлаб, унинг ҳар авлодига қарши далага 3-4 марта трихограмма тарқатиш зарур.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг айтишича, буни ҳар 4-5 кунда қўйиш лозим. Бунда ҳар сафар 1,0-1,3 граммдан, жами 3,3 грамм, ёки 60х80х60 минг нуқтага қўйилади.

Далада қурт бўлишига ва унинг зичлигига қараб 1:0,5; 1:1,0; 1:2,0 нисбатида бракон чиқариш амалга оширилади, (ҳар гектарга 300 тадан 3000 тагача урғочи зоти ҳисобланади). Тарқатишда ишчилар бир-биридан 500 м. масофада бўлиб, ҳар 500 метрда баллон қопқоғи қисқа муддатга (30 сония) очилади. Трихограмма ва бракон эрталаб барвақт (соат 5-10 гача), кечқурун (август ойида соат 17-20 гача) тарқатилади.

Ҳар бир агротехник тадбир ўз вақтида, сифатли ўтказилса, ғўза ривожи тезлашиб, мўлжалланган ҳосил тўпланади.

Айни кунлар ғўза парваришида масъулиятли палла ҳисобланади. Шу боис, ғўза қатор ораларига ишлов бериш орқали тупроқнинг майин, донадор бўлишига эришиш лозим. Бу тадбир ўсимликнинг яхши ривожланишини таъминлайди, сувсизликка чидамлилигини оширади, обиҳаётни 10-15 фоиз тежаш имконини беради. Шу билан бирга, ғўзанинг гоммоз, илдиз чириш касалликларига чалинишининг олдини олади.

Ғўзанинг чанқаб қолиши ёки захлаб суғорилиши ҳосилдорликни камайтиради. Ортиқча сув ичган ғўза ҳосил тугунчаларини тўкиб юборади ва ғовлай бошлайди, сақланиб қолган кўсаклар эса кеч очилади. Ғўзага сув эмас, балки нам кераклигини деҳқонлар асло унутмаслиги керак.

Обиҳаёт исроф этилмаслиги учун тупроқ, об-ҳаво ҳамда ўсимликнинг ташналигини ҳисобга олиб суғориш муддатини ва меъёрини белгилаш лозим. Ғўзанинг яхши ривожланиши учун тупроқдаги намлик 65-70 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Илм-фан ютуқлари ва тажрибалардан ўтган тавсияларнинг қўлланилиши пахтакорларга пировард натижада салмоқли кўрсаткичларга эришиш имконини беради.

Август ойи ғўза вегетацияси даврида муҳим ой эканини фидойи деҳқон, тажрибали фермер, ишнинг кўзини биладиган мутахассис яхши билади. Агар улар шу кеча-кундуз ҳақиқий ташкилотчилик, уюшқоқлик ва фидойилик кўрсатса, ғўзани суғориш, культивация қилиш, зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш тадбирларини ўз вақтида, сифатли ўтказишга эришса, далаларда мўлжалдаги ҳосил етиштирилиши аниқ.

Ренат НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатга қишлоқ хўжалиги ходими.

Бир даврада санъаткорлар ҳақида гап кетди. Иштирокчилардан кимдир Аҳмаджон Шукуров ҳақида сўз очиб, "Шу одам кўринмай қолди. Ўзига хос бетакрор овози бор эди. Мен унинг қўшиқлари мухлиси эдим", деди.



Халқ ҳофизи Аҳмаджон Шукуров НЕГА КАМНАМО ЭДИ?

Суҳбатни секин кузатиб турар эканман, беихтиёр Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Аҳмаджон Шукуровнинг маълум вақт нима учундир "панага" ўтиб олгани мени ҳам қизиқтириб қолди. Суриштирдим. Аҳмаджон ака Қибрайдаги мусиқа мактабида директор лавозимида ишлаётган экан.

– Аҳмаджон ака, баъзи мухлисларингиз сизни хилватнишин бўлиб қолган, дейишяпти?

– Аввало, мухлисларнинг эътиборидан, уларнинг назарида борлигимдан мамнунман. Менда қўшиққа, санъатга муҳаббатдан бошқа истеъдод йўқ. Бизга берилган тарбия, оилавий турмуш тарзимиз шу йўсинда улғайтирган. Очиғи, бировга лаганбардорлик қилиш, ёлғон сўзлар билан уни мақташ каби "фазилатлар" менда йўқ. Боз устига борини бордек гапираман, дилимдагини тилимга чиқараман. Ҳамма нарсанинг ростини айтаман. Очиғи, ростгўйлик ҳам гоҳида бошга бало бўлганига тарихда мисоллар кўп. Навоий ҳазратлари айтган эканлар:

Ҳар неча бу сўз демак – керакмас,
Чун ростдурур, керак – керакмас.

– Демак, сиз ижоддан, янги қўшиқлар яратишдан тўхтамагансиз. Шундан таскин олгансиз. Сизни яқиндан биладиганларнинг айтишича, ўқиган китобларингиз бир вагондан ортиб кетар экан. Кимдир ҳофизликдан ташқари шеърлар ҳам ёзишингизни айтган эди. Мавриди келиб қолди, санъатга кириб келишингиз, "бу гулшан ичра ҳаёт"ингиз ҳақида сўзлаб берсангиз...

– Зиёли оилада туғилганим энг катта бахтимдир. Отам мулла Шукур Азизий маърифатли давраларда фаол иштирок этиб юрганлар. Ўзлари ҳам яхшигина шоир бўлганлар. Биз туғилиб ўсган Бухоройи шариф адабий муҳитига дахлдор бўлган Жамол Камол, Неъмат Аминов, Тошпўлат Аҳмад сингари ижодкорлар хонадонимизга тез-тез ташриф буюришарди. Қизғин адабий суҳбатлар бўларди. Мен меҳмонларга чой ташиш баҳонасида уларнинг гурунгларини тинглардим. Отам мадраса таҳсилини кўрган инсон бўлганлиги туфайли фарзандларини комил шахс қилиб тарбиялашни мақсад қилган чамаси, бизга миллий созлардан бирини чалишни вазифа қилиб юклаган. Акам рубоб олиб келиб, машқ қила бошлади. Мен беш ёшларда эдим. Негадир менинг уринишларим яхшигина самара берди. Акамдан кўра менинг қўлим тезроқ рубобга келиб, унинг сирларини осонлик билан инкишоф қилдим. Хуллас, мактабда ташкил этилган мусиқа дарси ва ўқитувчиларимизнинг фидойи саъй-ҳаракати ҳамда Бухоро педагогика институти (ҳозирги БухДУ) нинг мусиқа факультетидаги таҳсилим туфайли бу соҳанинг сир-асрорларини анча ўргандим. Шу туфайли бўлса керак, институтнинг тўртинчи босқичида ўқиб юрган пайтимдаёқ мени республика филармониясига созанда сифатида ишга таклиф қилишди.

Бу жойда ўша вақтда Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Умаров, Мукаррама Турғунбоева каби соҳанинг дарғалари фаолият кўрсатарди. Улар билан бир жамоада ишлаш, насиҳатларига қулоқ тутиш, тажрибаларини ўрганиш чинакамига улкан мактаб эди. Мен тақдирнинг бу инъомига шукроналар қилиб, ўқиб-ўрганишни астойдил давом эттирдим. Тенгдошларим Шерали Жўраев, Ғуломжон Ёқубов, Қизлархон Дўстмуҳаммедова ва бошқаларнинг ўша ердаги изланишлари жараёни нечоғлик мазмунли кечганини уларнинг кейинги фаолияти айтиб турибди. Саъй-ҳаракатларим самараси ўлароқ Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева эътиборига тушдим. Опа мени "Баҳор" ансамблига ишга таклиф қилди.

"Баҳор" ансамбли фақат собиқ иттифоқ ҳудудида эмас, балки дунё миқёсидаги энг таниқли бадиий жамоалардан бирига айланди. Унинг бир марталик концертига исталган мамлакат катта миқдорда ҳақ тўлашга рози эди. Бу ўзбек миллий санъатининг халқаро доирада чинакам эътирофи эди. Унинг ҳар бир аъзоси бундан фахрланарди. Қолаверса, унинг сафида бўлиш санъаткор таржимаи ҳолини нурли нуқталар билан безарди. Мен ҳам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон халқ артисти, Қорақалпоғистон халқ артисти деган юксак унвонларга сазовор бўлдим. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Баҳор" ансамблини тиклаш ҳақидаги қарори меросга ҳурматнинг, санъатимиз тарихида ёрқин из қолдирган бадиий жамоа фаолиятига эътиборнинг гўзал намунаси бўлди. Албатта, янги "Баҳор" ансамбли барҳаёт анъаналарни тиклайди, миллий санъатимиз довруғини оламга тараннум этади.

– Санъат оламида кечган ҳаётингиздан орттирган сабоқларингиз нималардан иборат?

– Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, дейишади. Ҳозир иши юришмаган баъзилар санъатга ўзини ураяпти. Бизнинг миллий санъатимиз минг йилликларга етиб борган теран томирга эга ва унинг истиқболи ҳам шундай буюк. Лекин шу кунларда бу илоҳий майдонда содир бўлаётган баъзи воқелар ҳар қандай кишини ўйлашга мажбур қилади. Мен тўла ҳуқуқ билан айта оламанки, санъатда кечган умримдан хафа эмасман. Бундай юксакликни таъминлаган омил эса шу соҳанинг қадриятларига эътиқод қилиш, уларни улуғлаш ва тарғиб этиш бўлди. Булар касбга садоқат, яъни ҳалоллик, устозлар эришган ютуқларни давом эттириш ва миллий заминга таяниб, қўшиқчилик санъатини бойитишдир. Ўйлантирадиган нарса эса соҳадан йироқ, табиий иқтидор, юксак инсоний фазилатлардан маҳрум, фақат тирикчилик учун шу соҳага қадам қўйган кишиларнинг кўпайиб кетгани, ҳатто улар гоҳида соҳанинг иқлимини белгилаб бераётганидадир.

Санъаткорни қадимдан шамга ёки Қақнусга менгзаганлар. Демак, у доим нур сочаётган шамдек порлаб турмоғи лозим. Юртимизда бу борада қилинаётган саъй-ҳаракатлар, айниқса, муҳтарам Президентимизнинг мақом санъатини ривожлантириш соҳасидаги амалий ғамхўрликлари эртанги кунга ёруғ умид билан қарашга имкон туғдирмоқда. Ўтган йили Шаҳрисабзда ўтган халқаро мақом фестивали бу жанрнинг қанчалик теран томирга эга эканлигини ва бундай асарлар инсон руҳиятига нечоғлик сирли таъсир қилишини амалда кўрсатди. Шунингдек, мақом илмини ўрганиш, уни замонавий дунё қўшиқчилиги билан узвийликда тадқиқ этиш лозимлиги янада ёрқинроқ кўринди. Шу маънода Юнус Ражабий номидаги миллий мусиқа институтининг ташкил этилиши айни муддао бўлди.

– Миллий мусиқамиздан яхши хабардор, тажрибали ҳофиз сифатида бугунги қўшиқчилик санъати ҳақида нималар дея оласиз?

– Менимча, кейинги йилларда энг кўп муҳокама қилинган мавзу қўшиқчиликнинг аҳволи бўлди, чамамда. Мен ҳам айтилган жами танқидий фикрларга қўшиламан. Ростдан ҳам санъатни энг кичик унсуригача бекаму кўст сақлаш керак, билъакс, ундаги нафосат, гўзаллик йўқолади. Ана шу меъёрни сақлашнинг неча йиллардан бери амал қилиб келинадиган талаблари бор. Қўшиқ ёки ашула кишига завқ улашишдан ташқари унинг туйғуларига таъсир қилиши керак. Яъни яхшиликка чорлаши, эзгуликка даъват этиши, умуман, ҳаёт мазмунини теран англашга ёрдам бериши лозим. Агар шу нуқтаи назардан қарасак, бугунги баъзи бир қўшиқларда нима бор? Аввало, шеърларнинг мазмунига эътибор берсак, улар назмнинг энг оддий қонун қоидаларига жавоб бермайди. Турли электр асбобларнинг жўрлигида бир сўзни қайта-қайта такрорлаган билан қўшиқ бўлиб қолмайди. Булар ҳақида кўп танқидий фикрлар билдирилди, аммо натижаси кўзга ташланмаяпти.

– Бугунги кунга келиб мусиқа мактаби директори лавозимига тайинланганингизнинг ҳам ўзига хос тарихи, сабаби бўлса керак.

– Кейинги уч-тўрт йилда рўй бераётган ўзгаришлардан бошим осмонга етаяпти. Менинг ҳам заҳа тортган туйғуларим ўзгаришлар руҳидан уйғонди. Айтганингиздек, панада қолиб кетганимдан хижолат бўлдим. Президентимизнинг таниқли санъаткорлар билан мусиқа мактаблари ўртасидаги алоқаларни яхшилаш ҳақидаги кўрсатмаларидан сўнг Қибрайдаги мусиқа мактаби директорлигига таклиф қилишди. Албатта, келажагимиз эгаларига бу соҳа сирларини ўргатиш мен учун ҳам қарз, ҳам фарз. Шу билан бирга бу юмуш жуда ҳам завқли.

Санъат фидоийси, кўплаб унвонлар соҳиби, минглаб дилларни ўзининг сеҳрли овози билан мафтун этган Аҳмаджон Шукуров бугун ҳам боқий санъатимизнинг ёруғ келажаги йўлида хизматга камарбаста. У ўз тажрибасидан келиб чиқиб, бугун яратилаётган шароитларни кўриб, юртимизда кўплаб иқтидор эгаларининг пайдо бўлишига ишонч билан қарамоқда. Гарчи минглаб томошабини бор саҳналарда кўринмай қолган бўлса-да, доимо ўзини миллионлаб навозанда мухлислари билан бирга ҳис қилади. Уларга ёқадиган, кўнглини мафтун этадиган асарлар яратиш ҳаракатида. Мухлислар эса Аҳмаджон Шукуровни катта саҳналарда кутмоқда.

Дилобар МАМАТОВА
суҳбатлашди,
ЎзА

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail:chzsxt@mail.ru Хизматлар лицензияланган. Маҳсулотлар сертификатланган.

PLANETA SERVIS

TRAKTORBOR.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Хизматлар лицензияланган.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети томонидан 2004 йилда Досмухамедова Хилола Бахтияровна номига берилган В 180462 рақамли бакалавр дипломи ва унинг иловаси йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети томонидан 2006 йилда Досмухамедова Хилола Бахтияровна номига берилган М 024760 рақамли магистр дипломи ва унинг иловаси йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир ҳайъати: Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ *(Бош муҳаррир ўринбосари)*

Раимқул СУЯРОВ *(Бош муҳаррир ўринбосари)*

Саҳифаловчи-дизайнер **М.ЮСУПОВ**

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. **Аграр масалалар бўлими** – 236-26-47. **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** – 233-76-78. **Факс** – 233-44-43, 233-09-93. **Реклама ва эълонлар** – 236-26-50, 233-28-04. **web sayt:** www.qishloqhayoti.uz **e-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-825. ҳажми 3 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. **Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. **2 427** нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 17.30